

Нурислом ТУХЛИЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори
tukhliev.nurislom@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

OPPORTUNITIES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

Аннотация. Мақолада жаҳон туризми ривожланишида зиёрат туризмнинг роли статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси баён қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожланиши ва истиқболлари масалалари таҳлил этилган ва зиёрат туризми ташкил этиш бўйича илмий асосланган хулосалар берилган.

Таянч сўзлар: зиёрат туризми, релаксация, Шохи-Зинда, конфессия, Чашмаи Аюб, Мир-Араб, Масжиди-Калон

Аннотация. В статье на основе статистических данных анализируется роль паломнического туризма в развитии мирового туризма и описывается опыт передовых зарубежных стран в организации паломнического туризма. Также были проанализированы вопросы развития и перспективы паломнического туризма в Узбекистане и даны научно обоснованные выводы по организации паломнического туризма.

Ключевые слова: паломнический туризм, релаксация, Шахи-Зинда, конфессия, Чашмай Аюб, Мир-Араб, Масджиди-Калон

Annotation. The article analyzes the role of the pilgrimage tourism in the development of world tourism based on statistical data and describes the experience of advanced foreign countries in the organization of pilgrimage tourism. Also, the issues of development and prospects of the pilgrimage tourism in Uzbekistan were analyzed and scientifically based conclusions on the organization of pilgrimage tourism were given.

Keywords: pilgrimage tourism, relaxation, Shahi-Zinda, denomination, Chashmai Ayub, Mir-Arab, Masjidi-Kalon

Зиёрат туризми кўпинча “диний туризм”, “маънавий туризм” деб ҳам юритилади. Зиёрат туризми янги тушунча бўлиб жисмоний (физиологик) эмас, энг аввало “маънавий рекреация”ни ўзида акс эттиради ва амалда ички туризмни ўрганишда фойдаланилади. Зиёрат туризми республикада барқарор туризмни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, миллий ғоя ва бирдамликни шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида турли конфессиялар – ислом, христианлик (православия ва католицизм), иудаизм, буддизм, зороастризмнинг ривожланиши билан боғлиқ 100 дан ортиқ ёдгорликлар ва тарихий жойлар мавжуд. Бу эса зиёрат туризмини ривожлантириш учун жиддий асосдир.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг нафақат улкан ички, балки ташқи халқаро имконият ва истиқболлари бор.

Зиёрат (мусулмон) туризми умумий туризмнинг йирик сегментларидан бирига айланмоқда. Келгусида унинг сиғими янада кенгайди. Гап шундаки, ҳозир ер юзида 1,8 млрд. ислом динига эътиқод қилувчилар яшайди. Бу ер юзи аҳолисининг 22 фоизи демакдир. Унинг улуши 2030 йилда 26 фоизга етади. Pew Research Center прогнозларига кўра, 2060 йилда мусулмон динига эътиқод қилувчилар улуши жаҳон аҳолисининг 40 фоизига, яъни 3 млрд. кишига етади [7].

Агар 2016 йилда мусулмон туризмнинг сиғими 140 млн. бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2026 йилда 230 млн. кишига етади. Улардан келадиган тушум 2016 йилда 142 млрд. АҚШ

долларига тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2026 йилда 300 млрд.дан ошади. Яна бир рақам. Мусулмон туристлари бошқа конфессияларга оид туристлар орасида энг ёши – 23 ёш [8]. Форс кўрфази мамлакатларида Индонезия, Малайзия каби мамлакатларда ўрта қатлам (синф) ўсмоқда. Ривожланган мамлакатларда истиқомат қилувчи мусулмон хонадонларининг тўлов қобиляти ҳам муттасил ошиб бормоқда. Умуман мусулмон туризми имкониятлари ва бозори ўсиб, туризм индустриясига катта ўзгаришлар олиб кирмоқда.

Аммо биз ҳам зиёрат туризми имкониятларидан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида мамлакатимизда мавжуд 8,2 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан 500 тасигина туризм маршрутига киритилганини, зиёрат туризмнинг катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Ноёб муқаддас жойлар, сиғиниш объектлари, диний ва меъморий ёдгорликлар жойлашган мамлакатларда аллақачон зиёрат туризми барча туристик тушумларнинг катта қисмини ташкил қилмоқда.

Ислом ва христианлик динлари маркази ҳисобланадиган Саудия Арабистони ва Исроил барчага яхши маълум. Саудия Арабистонига ҳар йили Ҳаж сафарига 3-4 млн., йил давомида умра зиёратига дунёнинг барча мамлакатларидан бир неча ўн млн киши боради. Исроилга ҳам ҳар йили 10 млн. дан зиёд зиёратчилар ташриф буюради.

Самарқанд шаҳри яқинида дафн қилинган буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг номи бутун ислом оламида машҳур. Энг ишонарли тўплам, Куръони Каримдан кейинги иккинчи асосий манба ҳисобланадиган “Ал-Жомъи ас-Саҳиҳ” ҳадислар тўплами муаллифи Имом Бухорий “Муҳаддислар султони” дея улуғланади. Унинг 1225 йиллик юбилеи мусулмон мамлакатлари жамоатчилиги орасида кенг нишонланди. Ҳаж сафарига чиқишдан олдин Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш, у ерда бунёд қилинган мемориал мажмуа билан танишиш ҳар бир мусулмон киши томонидан одат тусига кириб

қолган. Бу ерга кеча-ю кундуз чет эллик ва миллий туристларнинг ташрифи тўхтамайди.

Зиёрат қилиш энг қадимги саёҳат туризмидан бири бўлиб, маънавий асосга эга. Зиёрат муқаддас жойларга саёҳат қилишдир. Рус тилидаги “паломник” сўзи лотинча “дунёни кезиб юрувчи диндор” деган маънони беради.

“Зиёрат (арабча - زيارة - “зияра”) сўзидан олинган бўлиб “томоша қилиш”, “кўришга бориш (келиш)” маъноларни билдиради. Мусулмонларда “зиёрат” – бу одатда муқаддас жойларга ташриф буюришдир [2:61].

Зиёрат диний расм-русумларни бажариш учун инсоннинг турли муқаддас маконлар бўйлаб сайёҳатидир. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда сажда қилишга асосланган диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишини назарда тутди. Зиёратнинг ташқи шакли зиёрат туризмнинг асоси сифатида хизмат қилади. Чунки ташқи зиёрат жараёнида зиёратчилар муқаддас жойларни зиёрат қилиш мақсадида сафарга чиқади. Зиёратнинг бу шакли одамларни маънавий ва жисмоний камолотга эришишига кўмаклашади.

Зиёратни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Диний туризм;
2. Дунёвий туризм.

Биринчиси илоҳий қадриятларга асосланса, иккинчиси умуминсоний қадриятларга асосланади.

Диний зиёрат ўз навбатида ислом, буддавийлик, христианлик, иудаизмга хос бўлган диний эътиқодларга бўлинади. Агар диний зиёрат муқаддас нарса ва жойларга ибодат қилишни билдирса, дунёвий зиёрат таббий ва ҳайётий нарсалар ҳамда муқаддас жойларга сажда қилиш ва уларни қадрлашда ўз ифодасини топади.

Дунёвий зиёрат комил инсон тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган сайру сайёҳатдир. “Хотира ва қадрлаш” кунда “Мотамсаро она” ҳайкалига гулчамбар қўйиш, Тошкентдаги катагон қурбонларига бағишланган “Шаҳидлар хотираси мажмуаси”ни зиёрат қилиш, Самарқандда, Амир Темир қабрини зиёрат қилиш, “Кўҳна ва Бокий Бухоро маданий

маркази”га ташрифни дунёвий зиёратга киритиш мумкин.

Зиёрат туризмнинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти катта. Муқаддас жойларга бориш индустриал жамият кишисини руҳий кечинмалари билан диалогга киришиш имкониятини беради. Зиёрат туризми оилаларни бирлаштиришга қулай шароит яратади, ижтимоий жиҳатдан ўсишга, инсоний бирдамлик, биродарликни ривожлантиришда, инсонни шахс сифатида тиклашга ёрдам беради. Синфий ва ирқий табақаланишни қисқартиришга, мавжуд хатарларнинг йўқотилишига олиб келади.

Шундай қилиб, зиёрат туризми маънавий кадриятларнинг ривожланишига олиб келади, у нафақат жисмоний (физиологик) маънодаги рекреацион омил, балки шу билан бирга, шахснинг инсоний кадр-қиммати ривожланиши омили сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Шунинг учун ҳам зиёрат туризмнинг аҳамияти ва кўлами катта, у бундан кейин ҳам энг ривожланган туризм сегментларидан бири бўлиб қолаверади.

Қадимда, ҳали замонавий транспорт ва коммуникация воситалари йўқ даврларда Шоҳи-Зинда мақбаралар некрополь-мажмуасига дафн этилган Қусам ибн Аббос мазорини зиёрат қилиш одат бўлган. Бу зиёрат Ҳаж амали ўрнида қабул қилинган. Бу мажмуа ҳозир ҳам зиёратчилар билан гавжум. Шунингдек, Самарқандда Хўжа Дониёл қабри, Ҳазрат Хизр масжидлари муқаддас жойлардан ҳисобланади. Бухорода Чашмаи Аюб, Мир-Араб, Масжиди-Калон, Баҳоуддин Нақшбанд каби азиз-авлиёлар қабри жойлашган мемориал ансамбллар, Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий, Исо ат-Термизий қабрлари устига қурилган мажмуалар ана шундай муқаддас қадамжолардан ҳисобланади.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун келганлар фақатгина азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилиш билан чекланмайдилар, албатта. Улар шаҳарларнинг бошқа диққатга сазовор тарихий, маданий объектлари, меъморий обидаларини бориб кўрадилар. Маҳаллий аҳоли турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ўлмас кадриятлари билан, замонавий ҳаёти билан

ҳам танишадилар. Шаҳар ва шаҳарлараро транспорт, ҳамда коммуникация воситаларидан фойдаланадилар. Миллий тансиқ таомлардан тановул қилиб, ҳар хил сувенирлар, миллий либослар харид қиладилар. Демак, зиёрат туризмнинг иқтисодий-молиявий аҳамияти катта.

Зиёрат туризмини бошқа туризм шаклларида ажратиш анча қийин масала. Чунки соф зиёрат мақсадида ташриф буюрувчилар бор. Шу мақсадда, келиб-кетувчилар орасида Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони, Малайзия, Индонезия, Эрон, Покистон ва Туркия фуқаролари кўпчиликини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий туристлар ишбилармонлик, хизмат сафари, мамлакат тарихи, иқтисодиёти, маданиятига қизикувчилар, конгресс бўйича ташрифчилар орасида ҳам диний объектлар – масжидлар, мадрасалар, сағана ва мақбараларни бориб кўрувчилар ҳам кам эмас. Тошкент шаҳрига ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги Хастимом (Ҳазрати Имом) мажмуасини зиёрат қилмасдан кетмайди.

Тўғри, соф зиёрат мақсадида ташриф буюрувчилар асосан катта ёшдаги ўзига тўқ, ҳисоб-китоб билан иш юритадиган кишилардир. Улар ортиқча харажатларни хуш кўрмайди. Тунги клублар, дискотека ва кўнгилочар жойларга бормайди. Бу – табиий. Зиёрат туризми кам даромадли соҳа дегани эмас, албатта. Зиёрат туризмида жуда катта маънавий, сиёсий, ижтимоий самаралардан ташқари, хайрия, ҳадя каби молиявий ресурслар ҳам борки, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кетган иқтисодий сарф-харажатларни қоплайди. Бунинг устига юқорида қайд этилган чет эллик зиёратчи-туристга кўрсатиладиган барча харажатлар текинга эмас.

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросини туризм орқали ўрганиш маданиятлараро алоқалар, тинчлик ва миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Зиёрат туризми - туризм соҳасининг жадал ривожланиб бораётган ва ХХI асрнинг етакчи трендига айланаётган йўналишларидан бири бўлиб, халқлар орасида тинчлик ва дўстлик

алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зиёрат туризмнинг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва жамиятнинг ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Зиёрат туризмнинг барқарор ривожланиши бутун дунё бўйлаб маданий ва инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга. Ахборот технологияларининг зиёрат туризмига, айниқса, реклама, маркетинг, туризм маҳсулотларини дифференциация қилиш ва ихтисослаштириш соҳасига ўзгаришлар олиб киришига, шунингдек, зиёрат туризми шахсларнинг индивидуал ўсиши ҳамда асосий ижтимоий нормалар ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда зиёрат туризмни умумий туризмнинг бир тармоғи сифатида ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини шакллантириш, соҳани ўрта махсус ва олий малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аجدодларимиз мақбаралари обод қилиниб, у ерларда масжид ва мадрасалар, зиёратчилар учун хос меҳмонхоналар қурилиб улар атрофида боғ-роғлар барпо этилди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бакалавр ва магистратура таълими йўлга қўйилди. Бу йўналишга оид адабиётлар чоп этилиб, ҳужжатли ва бадиий кинофильмлар яратилмоқда, илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Тухлиев Н., Жиянов Ў. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари: дарслик / Н.Тухлиев, Ў.Жиянов. – Т.: «Ilm-Ziyo-Zakovat» нашриёти, 2020. – 256 б.
3. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Учебное пособие. – Т.: Гос. науч. изд-во «O'zbekiston milliy ineklopediyasi», 2006. – 423 с.
4. Global Muslim Travel Index 2019. Master Card & Crescentrating 2019.
5. Global Economic Impact Of Muslim Tourism And Future Growth Projection: 2017–2020.
6. Haj and Umrah: Developments and Opportunities Prepared by Thomson Reuters and Dinar Standard JANUARY 2017. 8 p.
7. <https://www.pewresearch.org/fact-tank/2019/04/01/the-countries-with-the-10-largest-christian-populations-and-the-10-largest-muslim-populations>
8. <https://www.youtube.com/watch?v=гycvajxiqcc>